

<b>Ташкилот номи:</b>	Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази
<b>Таркибий бўлинма номи:</b>	Барча бўлимлар
<b>Танлов босқичи:</b>	Сухбат
<b>Савол йўналиши:</b>	Умумий қонунчилик асослари (100 та савол)

1. Давлат суверенитети деганда нимани тушунасиз?
2. Ўзбекистонда халқ ҳокимиятчилиги манбаи ва давлат ҳокимиятини амалга ошириш тўғрисида нималарни биласиз?
3. Ўзбекистон халқи номидан кимлар иш олиб бориши мумкин?
4. Конституция ва қонуннинг устунлиги деганда нималарни тушунасиз?
5. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг йўналишлари ҳақида гапириб беринг?
6. Ўзбекистонда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари қандай таъминланади?
7. Ўзбекистонда фуқаролик ва фуқароларининг ҳуқуқий ҳимояси бўйича нималарни биласиз?
8. Ўзбекистон фуқаролари қандай шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга эга?
9. Ўзбекистон фуқаролари қандай сиёсий ҳуқуқларга эга?
10. Ўзбекистон фуқаролари қандай иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга эга?
11. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қандай кафолатланади?
12. Ўзбекистон фуқароларининг қандай бурчаларини биласиз?
13. Жамиятимизнинг иқтисодий негизларини биласизми?
14. Ўзбекистонда нималар жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади ҳамда қандай жамоат бирлашмаларини тузиш таъқиқланади?
15. Ўзбекистонда нималар жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қандай таъминланган?
16. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила ҳақида қандай қоидалар мустаҳкамланган?
17. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишини биласизми?
18. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Қарақалпоғистон Республикаси ҳақида нима дейилган?
19. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қандай ҳокимиятни амалга оширади ва таркиби қандай?

20. Ўзбекистонда кимлар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга?
21. Қонун қачон юридик кучга эга бўлади?
22. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ваколатлари ҳақида гапириб беринг.
23. Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига кимлар сайланиши мумкин?
24. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати қандай ҳолларда тарқатиб юборилиши мумкин?
25. Ўзбекистон Республикаси Бош вазириги ишончсизлик вотуми киритиш масаласида нималарни биласиз?
26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатлари ҳақида гапириб беринг.
27. Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири тайинланиши ва унинг вазифалари ҳақида гапириб беринг.
28. Маҳаллий давлат ҳокимияти кимлар ва улар республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашишлари мумкинми?
29. Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти қандай иш юритиши ва суд тизими ҳақида нималарни биласиз?
30. Ўзбекистон сайлов тизими ҳақида нималарни биласиз?
31. Ўзбекистонда Молия ва кредит ҳамда солиқ тизими масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституцияда қандай қоидалар мавжуд?
32. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш тартибини ёритиб беринг?
33. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида” Қонунининг мақсади?
34. Кимлар жамоатчилик назорати субъектлари ҳисобланади?
35. Жамоатчилик назоратининг асосий принципларини айтиб беринг?
36. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ёритинг.
37. Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари вазифаларига нималар киради?
38. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси коррупцияга қарши курашиш соҳасида қандай ваколатларга эга?

39. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати коррупцияга қарши курашиш соҳасида қандай ваколатларга эга?

40. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги коррупцияга қарши курашиш соҳасида қандай ваколатларга эга?

41. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатларига нималар кирди?

42. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатларини санаб ўтинг.

43. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши шакллари айтиб ўтинг.

44. Оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда қандай иштирок этади?

45. Коррупцияга қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳақида гапириб беринг.

46. Давлат хизматчиси томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши жавобгарликни келтириб чиқарадими?

47. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир қандай чора-тадбирлар бор?

48. Адлия органлари ўз ташаббусига кўра, қайси асосларга биноан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиши?

49. Ўзбекистонда айнан қайси қилмишлар коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар деб ҳисобланади?

50. Ўзбекистонда айнан қайси қилмишлар коррупцияга оид жиноятлар деб ҳисобланади?

51. Ўзбекистонда давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир қандай чора-тадбирлар белгиланган?

52. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига асосан, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишдаги чора-чора-тадбирларни ёритиб беринг.

53. Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни санаб беринг.

54. Ўзбекистонда давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир қандай чора-тадбирлар белгиланган?

55. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси қандай жараёндан иборат?

**56. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга доир қандай чора-тадбирлар мавжуд?**

**57. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорлар бекор қилиш ёки ўзгартириш тартиби ва ҳуқуқий оқибатларини айтинг.**

**58. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси ва турларини айтинг.**

**59. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари тушунчаси ва турларини келтиринг.**

**60. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари томонидан тартибга солинадиган муносабатлар, уларни қабул қилиш тартиби ва шаклларини келтиринг.**

**61. Ўзбекистонда кимлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни ташаббус қилиш ва таклифлар киритиш ҳуқуқига эга?**

**62. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш қандай босқичлардан иборат?**

**63. Ўзбекистонда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ташаббус қилиш ҳуқуқи кимларга берилган?**

**64. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш тартиби ва муддатларини баён этинг.**

**65. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матни ким томонидан тасдиқланади?**

**66. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши қайси ҳолатда тўхтатиб турилади ва тугатилади?**

**67. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этишга доир қандай ваколатларга эга?**

**68. Меҳнат тўғрисидаги қонунчилиги ва унинг вазифалари ҳақида гапириб беринг.**

**69. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига асосан ходимнинг ҳуқуқлари нималардан иборат?**

**70. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига асосан иш берувчининг ҳуқуқлари ҳақида гапириб беринг.**

**71. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига асосан жамоат шартномалари ва келишувларининг тушунчаси ва мақсадларини айтиб беринг.**

**72. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига асосан меҳнат шартномасининг тушунчасини беринг.**

**73. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига асосан меҳнат шартномаси шакли ва муддатларини ёритиб беринг.**

**74. Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилишни тушунтириб беринг.**

**75. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосларини санаб беринг.**

**76. Меҳнат шартномаси қандай ҳолларда тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилинади?**

**77. Қайси меҳнат низолари бевосита туман (шаҳар) судларида кўрилиши лозим?**

**78. Таътилларни бериш тартиби ҳақида маълумот беринг.**

**79. Интизомий жазолар тушунчаси ва турлари, уни қўллаш ва амали қилиш тартибини тушунтиринг.**

**80. Ариза, таклиф, шикоят, электрон мурожаат, такрорий мурожаат ва аноним мурожаат атамаларига таъриф беринг?**

**81. Мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принципларини биласизми?**

**82. Мурожаатларнинг шакллари ва турлари ҳамда мурожаатлврга кўйиладиган талабларни биласизми?**

**83. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш тартибини биласизми?**

**84. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасининг тузиш тартиби ва тизимини ёритиб беринг?**

**85. Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг ва Виртуал қабулхонасининг асосий вазифаларини биласизми?**

**86. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси томонидан мурожаатларга доир масалалар бўйича реал вақт режимида маслаҳатлар бериш тартибни биласизми?**

**87. Ўзбекистонда мурожаат этиш ҳуқуқни амалга ошириш қандай кафолатланади?**

**88. Мурожаатлар муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларнинг ошкор этилмаслиги қандай кафолатланади?**

**89. Мурожаатларни бериш тартибини ёритиб беринг?**

**90. Мурожаатларнинг бериш муддатлари қандай?**

**91. Вояга етмаган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларини атиб беринг?**

**92. Мурожаатларни кўрмай қолдириш қоидаларини биласизми?**

**93. Мурожаатларни кўриб чиқишни қандай ҳолларда тугатилади?**

- 94. Мурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш тартибини биласизми?**
- 95. Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг қандай ҳуқуқлари бор?**
- 96. Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органининг, ташкилотнинг ва улар мансабдор шахсларининг қандай ҳуқуқлари бор?**
- 97. Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органининг, ташкилотнинг ва улар мансабдор шахсларининг қандай мажбуриятлари бор?**
- 98. Моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш тартиби қандай?**
- 99. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) қачон ташкил этилди ва унинг мақсади нималардан иборат?**
- 100. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилиги билан қайси муносабатлар тартибга солинади?**